

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган E-mail: uzss@inbox.ru 2007 йил 10-16 июль № 27 (543) Сешанба кунлари чиқади



ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИДА ОИЛАВИЙ ТАЪЛИМ



Мақсадли лойиҳани кўзлаб...



Хабарингиз бор, эрта ёшдаги болаларни ҳар томонлама шаклланишини таъминловчи, уларнинг саломатлиги, ўсиши ва ривожланишига таъсир этувчи муаммоларни ҳал этишда оилалар ролини оширишга хизмат қиладиган «Оилавий таълим дастури»нинг 2003 йил май ойида Ўзбекистон ҳукумати ва ЮНИСЕФ Халқаро ташкилотининг бевосита техник кўмаги асосида ташкил этилиши кўзланган мақсадлар сари қўйилган ва-зифаларнинг қисқа вақт ичида тараққий этишига сабаб бўлди. Мазкур дастурнинг Ўзбе-

кистон ҳудуди бўйлаб кенг тарғиб қилиниши-ни таъминлаш мақсадида ЮНИСЕФ Халқаро ташкилотининг бевосита қўллаб-қувватлаши эвазига тренер ва кўнгилли (волонтер)лар ўқитилиб, керакли материаллар тайёрланди, танлаб олинган ҳудудларда эса тарғибот-ташвиқот ишлари ўзлуқсиз олиб борилади ва бу жараён ҳамон давом эттирилмоқда. Даставвал ушбу дастур 2003-2004 йилда сайёр лойиҳа сифатида бир неча маҳаллаларда си-наб кўрилди.

(Давоми 2-бетда).

Дийдорлашув

ЗАРВАРАҚЛАРДА 55 ЙИЛ

Инсонда авваламбор оқибат, самимийлик ва меҳрибонлик бўлмоғи лозим. Ана шундай муҳассамликни тиббиёт ходимлари фаолияти ва уларнинг ҳаёти давомида кўриш мумкин. Айниқса, ушбу тизимда кўп йиллар ишлаб, бутун умрини тиббиётга бахшида этган инсонлар орасида бўлсангиз улардаги қомилликка ҳос бўлган фазилатларни кўриб, беҳад хурсанд бўласиз.

Тошкент Тиббиёт академияси 3-клиникасининг маъмурият биносида 1952 йилда шифокорлик дипломини қўлга олган битирувчилар ўзларининг 55 йиллик юбилей кечасини ўқштирдилар.

Уларнинг бир-бирлари билан дийдорлашувига ҳавас ила қарар эканмиз, курсдошлар қувони чексиз эди. Кечага ташриф буорган 20 нафардан зиёд кадрдонлар клиника ҳудудида ўзаро суҳбатлашиб, талабалик даврларини фахр билан эсла-дилар.

Бунинг баробарида, курсдошлар сардори бўлган Маъруф Исмоилов ўз дил сўзларини билдириб, академиянинг тиббиётнома газетасини ҳар бир иштирокчига мамнуният билан топширди. Газетада «Кем мы были — кем мы стали» сарлавҳа остида мақола чоп этилган бўлиб, унда биргалликда таълим олган собиқ талабалар тўғрисида қисқача маълумот берилган эди.

Фахр билан таъкидлаш жоизки, қалби эзгуликка йўғрилган ажойиб инсонлар орасидан 2 нафари, яъни Н. Мажидов ва

Н. Измеров академик унво-нига, 40 нафардан ортик фан доктори ва профессорлар, 125 нафар тиббиёт фанлари номзодлари — доцентлар, республикада хизмат кўрсатган врачлар ва 100 нафардан ортик битирувчилар эса олий тоифали шифокор даражасига эга бўлишган. Уларнинг барчаси бугунги кунда ўнлаб шогирдлари етказиб, фан номзодлари ва докторларини еттиштиришган.

Тадбир иштирокчилари маъмурият биноси ичкарисидаги мажлислар залига ташриф буюриб, бугунги кунда ҳаёт бўлмаган курсдошлари хотирасини ёдга олдилар. Сўнгра, бир қанча иштирокчилар сўзга чиқиб, фаолиятлари хусусида тўқтинлашиб гапиришди.

(Давоми 2-бетда).

Эътироф

ФАХРЛАНСА АРЗИЙДИ

Ҳурматли Феруз Ғофурович!

Кейинги йиллар ичида Сизнинг раҳбарлигингизда республика тиббиёт тизимида фахрланса арзийдиган ишлар амалга оширилмоқда.

Олдий Ғуқаро сифатида шу нарсани айтмоқчиманки, тиббиёт муассасаларининг янгидан барпо этилаётганлиги, айрим-ларининг эса қайта таъмирдан чиқарилаётганлиги, шунингдек, уларнинг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланаётганлиги ва малакали кадрлар билан таъминланаётганлиги халқимиз саломатлиги йўлида қилинаётган эзгу ишларнинг энг муҳими эканлигидан далолатдир.

Айни кунда 50 ёшдаман, Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманида истиқомат қиламан. Шу давр мобайнида Ўзбекистоннинг қўллаб-қувватлаш ва шифохоналарида бўлдим. Яқинда Хоразм вилоятининг ташхис марказида бўлиб, у ердаги шароит ва имкониятларни кўриб, жуда қувондим. Шу ўринда туманининг марказий шифохонасида ҳам шундай қулайликлар бўлса қанийди, деб ҳаёлимдан ўтказдим.

Тасодифни қаранг-ки, келиннинг беҳосдан соғлиги ёмонлашиб, тезда Амударё туман марказий шифохонасига олиб бордик. Ташхислар аниқлангач, шифокорлар уни операция қилиш зарурлигини айтишди. Мазкур тиббиёт муассасасида бундан икки йил олдин бўлган эдим. Унинг бугунги қиёфаси ва шароитини кўриб, кўзларимга ишонмай қолдим. Қайта таъмирдан чиққан бинонинг ташқи кўриниши, бўлим-

ларда яратилган шароит ва имкониятлар, кенг ва ёруғ хоналарнинг дид билан жиҳозланганлиги фаолиятдаги ходимлар ҳамда беморлар учун бир мунча қулайлик туғдирмоқда. Айниқса, шифохона ҳудудида разм солар эканман, ушбу муассасанинг гўзал манзарали сийҳатхоналардан қолишмаслигига амин бўлдим. Шунингдек, беморлар саломатлиги учун ишлатилаётган замонавий тиббий технологиялар ҳамда малакали ходимларнинг фаолиятларини кўриб, жаннатмакон Ўзбекистонимизнинг келажаги порлоқ эканлигига ишончим янада ортди.

Юртимизнинг бир чекка туманидаги шифо масканида ўсиш, янгилаш ва қайта қуриш ишларининг бажарилганлиги — Президентимиз Фармонларининг ижроси фидойи тиббиёт ходимлари томонидан бекаму кўст амалда ўз исботини топаётганлиги фикримиз далилидир.

Ушбу мактубни таҳририятга йўллашимдан асосий мақсад, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республика Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Амударё тумани бурқанд шифохонасининг мутасадди раҳбарлари ҳамда шифокору ҳамшираларига дилимдаги самимий миннатдорчилигимни сеvimли «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш — Здравоохранение Узбекистана» газетаси орқали билдираман.

Истагим, республика тиббиёт тизимида олиб борилаётган ишларнинг равнақи бундан-да баланд бўлсин! Инсонлар соғлиғи учун жонини фидо айлашга тайёр, конкуяр, меҳрибон, қалби пок шифокору ҳамширалар бахтимизга доимо омон юрмисин.

Х. БОБОЖОНОВ.

АГАР СИЗНИ ЮҚУМЛИ

КАСАЛЛИКЛАР БЕЗОВТА ҚИЛСА...

2007 йил январь ойидан бошлаб, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси тасарруфида «Юқумли касалликларни ташхислаш ва даволаш маркази» ўз фаолиятини бошлади.

Ушбу шифо масканида тиббиёт фанлари доктори, тиббиёт фанлари номзодлари ҳамда олий тоифали мутахассислар фаолият юритмоқдалар.

Марказ юқумли касалликларнинг ҳамма турини, улардан қолган асоратларни ташхислаш ва даволаш имкониятига эга.

Унинг таркибида вирусология, бактериология, клинко-биохимия, УТТ, функционал диагностика хизматлари мавжуд. Шунингдек, тиббий ёрдам кўрсатишнинг барча турлари бенул.

Марказ 1-шаҳар юқумли касалликлар шифохонаси биносининг 4-қаватида жойлашган.

Мўлжал: 3-туғруқхона ёнида (Тахтапўл юқумли касалликлар шифохонаси).

Мурожаат учун телефон: 160-32-66.

(Ички телефонлар: 212, 213).

ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИДА ОИЛАВИЙ ТАЪЛИМ

2005 йил июль ойида эса унинг тақдироти биринчи Миллий Конгресс сифатида ўтказилиб, у лойиҳани тарғиб қилиш, омаллаштириш, татбиқот доирасини ривожлантириш ва кенгайтиришда муҳим восита эканлиги билан характерланди.

Тадқиқотга ижибий ёндашиб

Маълумки, бошланган ҳар қандай иш ўз мақсулини бермас, унинг таъсир доираси ва тараққиёт манзили ҳам ўз-ўзидан ривожланиб қолмайди. Та-

дбир ўрганиб чиқилиб, тадқиқотлар ўтказилди. Ҳозирги кунда мунтазам равишда мониторинг ва баҳолаш механизми жорий этилмоқда.

Навбатдаги конгресс ҳақида

Шу йилнинг 5-6 июль кунлари Тошкент шаҳридаги «Марказ» меҳмонхонасида бошланган Иккинчи Конгресс ўз ишини муваффақиятли якунлади. Тадбирни ташкил этишдан асосий мақсад дастурнинг асосий ютуқлари, қийинчиликлари ва олинган са-

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси С. Иномова кириш сўзи билан очиб, республикада оилавий таълим дастурини йўлга қўйиш баробарида жамиятда оила ва аёллар ролининг ошишига ҳамда болалар саломатлигини муҳофаза қилиш ишларини узлуксиз давом эттириш орқали эришилган муваффақият ва камчиликларга атрофлича тўхталди.

— Чунки, эрта ёшдаги авлоднинг ҳар томонлама ривожланишини назорат қилиш ва бу билан боғлиқ муаммоларни оила билан биргаликда ҳал этиш ишлари дастурнинг бош мақсади эканлиги ҳаммамизга аниқ ва равшан, — дейди С. Иномова.

Конгресс иши катта ва кичик гуруҳларда мутахассислар иштироки билан олиб борилди. Унда асосан соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасидаги ислохотлар, маҳаллий ҳамда халқаро ташкилотларнинг кенг жамоатчилик билан турли лойиҳалар бўйича ишлаш механизми, амалдаги ишлар мониторинги ва баҳолов мезонлари, кадрлар салоҳияти ҳамда таълим савиясини юксалтириш, таклиф ва ташаббусларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш каби муаммолар масалалар муҳокама қилиниб, келгусидаги қўллаб-қувватлаш вазифалар белгилаб олинди. Эндиги мақсад болалар саломатлиги ва тарбияси йўлида ҳар бир оила ўз масъулигини ошириб, дастурнинг мамлакат миқёсида кенг омаллаштириш ва тарғибот доирасининг кенгайтиришга муносиб ҳисса қўшиш. Чунки, эрта ёшдаги болаларни ҳам маънавий, ҳам жисмонан тарбиялаш, уларни ҳар томонлама ривожлантириш бугунги кунда ҳукуматимиз эътиборидаги долзарб мавзу экан, бу масала конгресс иштирокчилари томонидан ҳам алоҳида эътироф этилди.

Демак, ҳали олдинда қилинадиган ишлар кўп. Бу борада барча мутахассислар ўзларининг бор куч-имконият ва сый-ҳаракатларини аямалдир.

Намоз ТОЛИПОВ.
Суратлар муаллифи Шавкат КАХҲОРОВ.

Мақола Ўзбекистон Республикаси мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонднинг «Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар мониторинги» лойиҳаси асосида тайёрланди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ЗАРВАРАҚЛАРДА 55 ЙИЛ

Айниқса, талабалик даврини эсланган собиқ битирувчи Талъат Исоҳов ҳар бир курсдоши меҳнатига алоҳида ургу бериб, халқ саломатлиги йўлида олиб борган хизматларини ҳурмат билан тилга олди.

Шунингдек, иштирокчиларнинг барчаси сўзга чиқиб, ўз дил сўзларини ва яхши ниятларини айтиб, ўтмиш хотираларини ёдга олишди.

Мазкур дийдорлашув кечасини ўтказишда Маъруф Исмоиловнинг ҳиссаси катта эканлиги курсдошлари томонидан

фахр билан тилга олинди.

Тадбир иштирокчиларининг юзларидаги табассум даврага ўзгача фойда киритди.

Бундай ажибый тадбирни қўриб, қалбимизда эзгу ниятлар жўш урди. Сиру синотга бой бўлган тиббиётнинг бундай дарғалари қанчадан-қанча инсонлар умрига-умр қўша олганлиги, ҳаётига эса мазмун бағишлаганлиги уларнинг юзларидаги самимиликдан билиниб турарди.

Биз ҳам шу ўринда 55 йиллик унутилмас хотираларни ёдга олган иштирокчиларга омонлик тилаб қоламиз.

Фотима ХҲҲАЕВА.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Конференция



ЗДОРОВЬЕ ДЕТЕЙ В НАШИХ РУКАХ

«Здоровье матери и ребенка в социально-гигиеническом и экологическом измерениях» именно так называлась научно-практическая конференция, проведенная по инициативе Международной организации ЭКОСАН и Ташкентского педиатрического медицинского института. На конференции принимали участие депутаты Законодательной палаты Олий Мажлиса Республики Узбекистан, руководители и представители министерств и ведомств, представители неправительственных организаций, профессорско-преподавательский состав медицинских ВУЗов и колледжей, а также журналисты.

Известно, что охрана здоровья матери и ребенка, создание всех необходимых условий для рождения и воспитания здорового молодого поколения является приоритетной задачей в нашей стране.

Охрана материнства и детства путем оказания качественной медицинской помощи, уделение особого внимания на образование, привлечение молодежи к спорту и тем самым все-стороннее ее развитие - это и есть главные направления деятельности для этого.

На примере проведенного в этом году праздника здоровья и спорта «Универсиада - 2007» следует еще раз подчеркнуть всю актуальность этого мероприятия. Ведь недаром мы говорим, что здоровая мать - здоровый ребенок. Особо примечателен тот факт, что на молодежных соревнованиях в этом году активное участие принимали девушки-спортсменки со всех областей нашей республики.

Но к сожалению, на сегодняшний день встречаются и те факты, которые оказывают негативное влияние на состояние здоровья населения, особенно женщин и детей. Это загрязнение атмосферного воздуха, недостаточное качество питьевой воды и продуктов питания, и несвоевременное управление отходами. К сожалению сегодня, в жаркие летние дни это особенно сказывается на здоровье населения.

Проведенные рейды ЭКОСАН еще раз доказали то, что борьба с данной проблемой должна осуществляться каждый день, общими силами.

В ходе мероприятия участниками были приняты рекомендации по дальнейшему улучшению социально-гигиенических и экологических факторов окружающей среды, а особенно улучшение питьевого водоснабжения в сельских населенных пунктах. В рекомендациях конференции также была отмечена необходимость осуществления комплекса мер по улучшению условий труда, сохранению здоровья женщин, ведущих трудовую деятельность на промышленных и сельскохозяйственных предприятиях.

Было отмечено, что в осуществлении этих дел немаловажную роль играет проведение пропаганды здорового образа жизни среди населения. Было рекомендовано массовым тиражом выпустить плакаты, демонстрирующие взаимосвязь здоровья матери и ребенка.

Все участники пришли к общему мнению о необходимости принятия и реализации специальных мер. И для этого рекомендовано создание Координационного Совета по осуществлению мониторинга за ходом реализации этих программ при Международной организации ЭКОСАН.

Ирода ИЛЬХАМОВА.

Ташаккур

РАҲМАТ СИЗГА АЗИЗЛАР

Инсон зоти кексайган сари тез-тез ботиб бўлиб қолар экан. Балки организм нозиклашар, балки бошқа сабаблар бордир. Нима бўлганда ҳам қариган чоғимда бутун танамга оқ доғлар тошиб кетди. Дарҳол ўзим яшайдиган Жондор туманидаги врачларга мурожаат қилдим. Улар текшириб қўриб, бу касаллиқни даволаш қийинроқ кечеди дейишди. Бунинг устига кўзим ҳам қўрмай қолди.

Сўнгра, Бухоро вилояти кўз касалликлари диспансери бош врачлари Ориф Сафаровга бордим.

У киши операция амалиётини баъзи кўзларимга нур бағишлади. Аммо танамдаги оқ доғлар борган сайин кўпайиб, дилмини хира қиларди. Шу боис, вилоят тери-носил касалликлари диспансери 3-бўлими мудир, олий тоифали врач Ҳамиджон Аҳадовга мурожаат қилганимда, у киши мени илиқлик билан қўтиб олиб, бу касаллиқни албатта даволаймиз, деганида кўнглим тоғдай кўтарилди. Тажрибали мутахассиснинг сый-ҳаракатлари туфайли оқ доғлар секин-аста йўқола бошладилар. 6-7 ой давомида беш марта олган даво муо-


лажаларимдан сўнг танамда деярли оқ доғлар қолмади.

Мен ана шу меҳри дарё инсонлар Ҳамид Аҳадов, катта ҳамшира Меҳринисо Турсунова, муолажа ҳамшираси Наргиза Раҳмонова ва тиббиёт тизимида фаолият олиб бораётган барча ходимларга чин дилдан ташаккур айтиб, уларга таниқлиқ, эзгу ишларида эса омад тилаб қолам.

Бозор РАҲАБОВ,
Бухоро вилояти,
Жондор тумани, 1 гуруҳ
ноғирони.

Актуальная тема

РАК ПРЕДСТАТЕЛЬНОЙ ЖЕЛЕЗЫ



Рак предстательной железы - одно из часто встречаемых заболеваний у мужчин среднего и пожилого возраста. Рак простаты - это гормонально зависимая опухоль, на которую в первую очередь влияет тестостерон.

В этиологии рака предстательной железы большую роль играют и многие другие факторы, например, возраст больного, гормональный статус организма, диета, половое поведение, факторы внешней среды и генетические особенности.

Ежегодно в мире выявляется до 396 тысяч случаев рака предстательной железы, что в структуре онкологической заболеваемости мужчин составляет 9,2 %. В структуре онкологических заболеваний в ряде стран, в том числе и в России рак предстательной железы выходит на 2-3-место после рака легкого и желудка, а в США - на первое место. В Узбекистане рак простаты составляет 2,4 % от всех онкологических и 40 % от всех онкоурологических больных.

В связи с особенностями клинического течения и трудностями ранней диагностики при первичном обращении у 60-85 % больных раком простаты уже имеются метастазы. Примерно в 80 % случаев метастазирование происходит в кости таза, позвоночнике, ребрах, бедренных костях.

До 85-90 % больных, первично поступающих с данной

патологией, на момент осмотра имеют Т3-Т4 стадию заболевания.

На начальных стадиях рак простаты клинически не проявляется и выявляется, как правило, случайно, после трансуретральной резекции аденомы простаты, либо после морфологического изучения материала. За последние годы благодаря внедрению в клиническую практику новых методов диагностики (УЗИ, КТ, МРТ, маркеры), значительно улучшилась диагностика рака простаты.


Тщательно собранный анамнез помогает установить некоторые особенности заболевания. Симптомы рака простаты, особенно дизурия, развиваются быстро. Иногда постепенно ухудшается общее состояние, больной жалуется на слабость, снижение веса. Внешний вид пациента изменяется только при далеко зашедшем опухолевом процессе. При ос-

мотре следует обращать внимание на состояние лимфатических узлов, печени, почек, мочевого пузыря, определить количество остаточной мочи. Симптомом комплекса рака простаты имеет множество различных проявлений, тем не менее, он связан с двумя основными проявлениями болезни. Во-первых, симптомы обструкции мочевого пузыря (учащенное и затрудненное мочеиспускание, вялая струя и т.д.); во-вторых, симптомы болезни, вызванные распространением опухоли (гематурия и боль).

При возникновении подозрения на рак простаты, в первую очередь принято проводить три необходимых исследования:

1. Пальцевое исследование простаты;
2. Определение уровня простато-специфического антигена;
3. Ультразвуковое исследование простаты, при показаниях - одновременно с биопсией.


Пальцевое исследование пря-



На снимках представлена деятельность медперсонала РОНЦ.

мой кишки - самый простой, дешевый и безопасный метод диагностики рака простаты.

Лечение рака простаты, так же, как и всех онкологических заболеваний, определяется стадией болезни. Однако, если в отношении больных с местнораспространенной опухолью или с уже имеющимися метастазами существует более или менее единый подход, то в лечении начальных стадий (Т1-Т2) рака простаты еди-



ной точки зрения нет. В настоящее время больному может быть предложена радикальная простатэктомия или радикальная лучевая терапия.

К распространенному раку простаты принято относить местно-распространенную опухоль (Т3-4) или опухоль с метастазами или сочетание первого и второго. Больным с распространенным раком показана гормонотерапия, которая включает два

подхода: монотерапия (кастрация, эстрогенотерапия, антиандрогены) или комбинированное лечение, включающее сочетание кастрации (хирургической или медикаментозной) с антиандрогенами. Цель лечения - создание максимальной андрогенной блокады.

Клетки рака простаты в 80 % случаев гормоночувствительные. В связи с этим при своевременном начале гормональной терапии следует ожидать хорошего результата.

Онкоурологическое отделение Республиканского онкологического научного центра (РОНЦ) является единственным специализированным отделением в республике. Здесь трудятся ведущие онкоурологи республики, оказывающие высококвалифицированную помощь в лечении онкологических заболеваний почек, мочевого пузыря, полового члена, простаты и яичек. Помимо этого, в РОНЦ создана мощная база для диагностики и лечения онкопатологии. При обнаружении у больного онкоурологической патологии или при подозрении на неё, врачи отделения и диагностических структур всегда готовы оказать специализированную помощь.

Айбек ВАХАБОВ,
к.м.н.

Диёрбек АБДУРАХМАНОВ,
к.м.н. Отделение урологии
Республиканского онкологического научного центра.

Материал подготовлен при содействии
Общественного фонда поддержки и развития
независимых печатных средств массовой
информации и информационных агентств
Республики Узбекистан.

Биоэтика

ДЕОНТОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ В ПРАКТИЧЕСКОЙ ОНКОЛОГИИ

Онкология - особая область медицины, где одинаково важное значение имеют как высокая профессиональная подготовка врача, так и умение его контактировать с больным человеком.

Нарушение этого единства может весьма печальным образом отразиться на судьбе пациента. Неясность этиологии онкологических заболеваний, сомнения больных в возможности излечения рака, калечащий характер многих видов лечения, угрожающая инвалидность, наконец, трагедия, которые переживают больные и близкие им люди - все это создает в любом онкологическом

учреждении, на каждом амбулаторном приеме онколога совершенно особую психологическую атмосферу, предъявляющую свои исключительные требования к искусству общения с больными.

Ведение беседы с онкологическими больными требует выполнения определенных правил: 1) Пока диагноз не подтвержден морфологически, не должны иметь место никакие высказывания о сущно-

сти болезни ни родственникам, ни больному. 2) Если врач заподозрил у больного злокачественную опухоль, то родственникам и больному должна быть сразу дана в незапугивающей форме ориентировка на серьезность положения и необходимость дообследования. 3) Когда обследование завершается и судьба больного уже обоснована на консилиуме, должны состояться две беседы: одна с больным, вторая, обязательно с близкими ему людьми. Больному надо сказать, что его форма болезни излечима, не называя саму болезнь, а близким - диагноз, воз-

можные осложнения после операции, вероятность неблагоприятного исхода.

Самым сложным для врача-онколога является ежедневное общение с больными, обуреваемыми страхами и сомнениями, с близкими им людьми, находящимися подчас на грани отчаяния. «Буря эмоций» замыкается на враче-онкологе, и поэтому от его душевного состояния, деонтологического мастерства зависит не только настроение, но и судьбы очень многих людей. Это очень трудно, требует большого ежедневного напряжения, но необходимо.

Врачи обязаны заботиться не только о спасении жизни человека, но и о создании вокруг



больного правильной, ободряющей моральной атмосферой. Онколог обязан быть опытным и тонким психологом, найти слова убеждения, причем разные для больного и для его родственников.

Х. МАМАЖАНОВА,
Андижанский
Государственный
медицинский институт.

Тошкент шахри — Касаба уюшмалари ҳаётидан — Навоий вилояти

ИНСОНЛАР ҚАЛБИГА ЙЎЛ ТОПИШ ОСОН ЭМАС

Аёлнинг жамият ва оилада тутган ўрни ҳамда мавқеи тўғрисида сўз юритсак, унинг меҳнатини таърифлашга тил ожизлик қилади. Кейинги пайтларда давлатимиз томонидан аёлларимиз меҳнатига бўлган эътибор ва ғамхўрлик ўз ифодасини топиб келаятганлиги ҳеч бировимизга сир эмас. Айниқса, хотин-қизларимизнинг шижоат ва ғайрат билан ҳар бир жабҳада олиб бораётган ибратли ишлари мақтаса арзигулиқдир. Бугунги кунда ўзининг фидойи меҳнати билан эл назарига тушиб, раҳбарлик лавозимида иш олиб бораётган хотин-қизларимиз сони тобора ортиб бораёпти. Жумладан, Республика соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгаши ҳамда унинг тасарруфидagi барча тармоқлардаги раҳбар аёлларнинг жамиятимиз таррақиёти йўлидаги эзгу ишлари аини кунда ўзининг ижобий самарасини бериб келмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб биз ҳам ана шундай қалби эзгуликка ташна бўлган жонқуяр, фидойи аёлларимиздан бири Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Кенгаши вакили, Мирзо Улугбек тумани ҳудудий тиббиёт бирлашмаси ўсмирлар ва чакирув ёшидаги йигитларга тиббий хизмат кўрсатиш бўйича бош мутахассиси Ойдин Каримова Каримова билан суҳбатда бўлдик.

— Ойдин Каримова, ходимларнинг меҳнат шaroитини яхшилаш ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш учун қандай ишлар қилинди?

— Соғлиқни сақлаш тизимида фаолият олиб бораётган тиббиёт ходимлари меҳнати низоҳатда масъулияти ва шарафлидир. Демак, тизимни янада такомиллаштириш, олижаноб касб эгалари бўлиш тиббиёт ходимларининг оғир, ўта мураккаб ва машаққатли меҳнатини муносиб қадрлаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга қўшимча имтиёзлар бериш, меҳнат шaroитларини яратиш, шунингдек, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, ёшларни эса маънавий-маърифий ҳамда миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялаш, соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишларида олдимиздаги масъулиятни теран ҳис этишимиз мумкин. Шундай экан, бу борада Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Кенгаши ҳамда Мирзо Улугбек туман ҳудудий тиббиёт бирлашмасининг раҳбарлари ҳамкорлигида қўпгина ижобий ишлари амалга оширишди. Жумладан, ўтган йили шаҳримиздаги 14-болалар хирургия шифохонаси, 9-оилавий поликлиника, 7-сил касалликлари диспансери ва марказий шифохоналар замонвий қайта таъмирдан чиқарилиб, янги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Бу албатта, тиббиёт ходимларимизнинг ишлари учун яратилган кенг имкониятлардан биридир.

Шунингдек, кам таъминланган ходимларимиз ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида уларнинг фарзандлари ёзи оромгоҳларда дам олиб қайтишди. Бундан ташқари, 30 нафардан ортиқ кам таъминланган тиббиёт ходимига маъмурийат ва касаба уюшма Кенгаши ҳамкорлигида моддий ёрдам ажратилган бўлса, 40 нафаридан ортигига 1,5 миллион сўм миқдоридаги ҳайрия совгалари топирилди. Ва бир неча ходимларимизнинг соғлигини тиклаш мақсадида Иختисослаштирилган кўз микрохирургияси маркази, Эндокринология илмий текшириш институти, «Турон» санаторийси ҳамда шаҳар марказий шифохонасида даволанишлари учун, шу билан бир қаторда 13 нафар тиббиёт ходимига оила аъзолари билан биргаликда дам олиш уйларига, 17 нафар ходимга санаторийларга ва бир қанча ҳамкасбларимизнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун уларни оила аъзолари билан «Қумушқон», «Қизилсой», «Оқтош», «Сумча» каби оромгоҳларда икки кунлик дам олишлари учун имтиёзли йўланмалар бердик. Жорий йилда эса Давлат дастуридан келиб чиқиб, муайян ишлари амалга ошириб, кам таъминланган тиббиёт ходимларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиб келмоқдамиз. Уларни соғлигини доимий назорат қилиш учун жойларда тиббий кўрик

ишлари олиб борилмоқда.

— Яқиндан ёрдам бераётган ҳомий ташкилотлар ҳақида тўхталиб ўтсангиз?

— Савоб иш қилмоқчи бўлсан, саховат кўрсат деганларидек, биз билан ёнма-ён туриб, ўзининг бегараз ёрдамларини кўрсатган ҳомий ташкилотларнинг ҳиссалари низоҳатда катта бўлди. Мен ушбу саховатпеша инсонларга ўзимнинг самимий миннатдорчилигини билдираман.

— Спорт-соғломлаштириш ҳамда маънавий ва маърифий тадбирлар қандай йўлга қўйилган?

— Кейинги пайтларда ҳукуматимиз томонидан спорт ишларига бўлган эътибор низоҳатда кучайди. Тиббиёт ходимларимиз фаолият юритиш билан бир қаторда, туманимизда анъанага айланган спартакиада, марафон ва спортнинг барча турлари бўйича йил давомида уч марта ўзаро беллашадилар. Бундай тадбирлар Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Кенгаши, Мирзо Улугбек тумани ҳокимлиги ҳамда ҳудудий тиббиёт бирлашмаси томонидан ҳамкорликда ўтказилиб, тадбир иштирокчилари улар томонидан рағбатлантирилиб келинмоқда.

— Устозларингиз ва шогирдларингиз ҳақидаги фикрингиз.

— Аслида болалар шифокориман. Фаолиятим давомида устозларим берган билим ва амалий ёрдамлар шифокорлик касби билан бир қаторда жамоа ташкилоти бўлиш тармоқ касаба уюшмасида ишлаш имконияти насиб этди. Илк бора жажжи болажонлар соғлиги йўлида меҳнат қилган бўлсам, аини кунда Мирзо Улугбек тумани ҳудудий тиббиёт бирлашмаси ўсмирлар ва чакирув ёшидаги йигитларга тиббий хизмат кўрсатиш бўйича бош мутахассиси лавозимида ишлаш билан бир қаторда 1995 йилдан буён туман даволаш-профилактика муассасаларида фаолият кўрсатаётган шифокор, ҳамшира, кичик тиббиёт ходими ва техник ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, мазкур йўналишда меҳнат қилиб келмоқдаман. 38 йиллик фаолиятим давомида бир қанча устозларимдан тиббиёт ва ташкилий ишларнинг сир-асрорларини ўрганиб олиб, бугунги кунда ўзим устозлик даражасига етдим. Шифокорлик касбини муккамал эгаллашда Гулдона Умарова, Махбуба Арипова, Жумхура Арипжоновалар устозлик қилган бўлсалар, ташкилий йўналишлардаги фаолиятларимда эса Озода Мухиддинова, Гавҳар Исламова, Лола Жалолова каби аҳолий инсонларнинг хизматлари катта бўлди.

— Ҳаётдаги шiorингиз?

— Ававало, инсон саломатлигини муҳофазалаш, қўлимдан келганича одамларга яхшилик улашиш, оғирини енгил қилиш, ўз билимим устида мунтазам равишда ишлаш ва янгиликлардан хабардор бўлиб, замон билан ҳамоханг қадам ташлаш.

Суҳбатдош:
Бободат СОАТОВА.

Ҳар йилимизни ўзига хос ном билан аталишида катта мазмун ва моҳият ётади. Мазкур йилимизнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб номланиши ҳам ўтаётган йилларнинг узвий давомийлигидир. Дарҳақиқат, ушбу йилдаги мақсад ва вазифалар шу қадар муҳимки, унда аҳолининг кенг қатламини ижтимоий, ҳуқуқий ҳамда маънавий-маърифий томондан ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашдир.

Жорий йилнинг олти ойи давомида ҳар бир соҳада катта ўзгаришлар юз бериб, Давлат дастури асосида ижобий ишлар амалга ошириб келинмоқда. Шу жумладан Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Навоий вилояти вакиллиги томонидан ўтган «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да, шунингдек, шу йилнинг олти ойи давомида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тасарруфида фаолият юритаётган тиббиёт ходимларини моддий ва маънавий рағбатлантириш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, қўшимча имтиёзлар бериш, меҳнат шaroитларини яратиш ҳамда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш каби масалаларда муайян ишлар амалга оширилди.

Ўтган йилги фаолиятларимизга назар ташлайдиган бўлсак, вилоятнинг барча да-
қарли давра суҳбатлари ўтказилди. Бунинг баробарида вилоят тиббиёт коллежларида таҳсил олаётган талабалар ўртасида ва ҳарбий қисмларда хизмат бурчини ўтаётган аскарлар, ўқув юртлари талабалари билан миллий гуруҳ, юртга садоқат, ватанпарварлик мавзуларида давра суҳбатлари ўтказилди.

Мамлакатимиздаги тарихий обидалар ва зиёратгоҳ жойларга экскурсиялар уюштирилиб, тизимда фаолият кўрсатаётган тиббиёт ходимлари, ногирон ва нафақадagi ҳамкасбларимиздан 538 нафари Бухоро, Хива ва Самарқанд шаҳарларига бориб келишди.

Тармоқ ходимлари ўртасида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш мунтазам равишда олиб борилмоқда. Ҳар йил вилоят миқёсида барча даволаш-профилактика муассасаларида спортнинг

бир қанча турлари бўйича анъанавий тарзда мусобақалар ўтказилиб келинмоқда. Айниқса, аёллар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш мақсадида, вилоят хотин-қизлар қўмитаси томонидан ташкил этилган аёллар спартакиадасида тармоқ хотин-қизлари фаол иштирок этдилар.

Мазкур йилимизда ҳам қўпгина хайрли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши Навоий вилояти вакиллиги бўйича жамоа шартномалари ва келишувларининг «Ижтимоий ҳимоя йили» бағишланган касаба уюшма федерацияси кенгаши дастури асосида 90 нафардан ортиқ кам таъминланган ва қўп болали оила аъзолари, уруш ва меҳнат фаришлари ҳамда байналминичли жангчиларга имтиёзли тиббий хизмат кўрсатилиб, бепул дори-дармонлар берилди.

Бундан ташқари, 35 нафар ишловчи аёлларга бериладиган туғишга ва туғишдан кейинги ҳақ тўланадиган таътилар кўни узайтирилди. Фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунча қадар бўлган 54 нафар оналарга моддий ёрдам кўрсатилган бўлса, меҳнат қилаётган 54 нафар камқонлик касаллиги билан хасталанган, тиббий ёрдамга муҳтож бўлган аёлларга жойлардаги тиббиёт муассасаларида корхона ва ташкилот ҳисобидан бепул даволаш йўлга қўйилди.

Шуни алоҳида айтиш жоизки, ёлғиз кексаларнинг ижтимоий-маънавий эҳтиёжлари, соғлиги ва моддий аҳолини мунтазам равишда назорат қилиб, уларга муруват кўрсатиб келинмоқда. Тармоқ ташкилотлари ва муассасалари томонидан ҳомийликка олинган 19 нафар ёлғиз кексаларга ҳар байрамда совғалар улашिलाди ва бепул дори-дармон воситалари, озик-овқат ҳамда саноат моллари махсус лотлари оиди берилмоқда. Шу билан бирга уларнинг уй-жойлари таъмирланиб, коммунал ва маънавий хизмат учун тўловлар ажратилаёпти. Соғлигини тиклаш учун эса санаторий ва профилакторийларга бепул йўланмалар берилмоқда.

Вазифамиз тиббиёт ходимлари меҳнатини қадрлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборат экан, бу борадаги ишларни янада ривожлантириб, халқ манфаати йўлида фидокорона хизмат қилишдир. Чунки, савоб ишдан улуг неъмат бўлмаса керак.

Арслон КАРИМОВ,
Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Навоий вилояти вакили.

БАҒРИКЕНГЛИК ҲАМИША ЗАРУР

воллаш-профилактика муассасаларида юртимизда кенг нишонланадиган анъанавий байрамлар муносабати билан ишловчи тармоқ ходимларининг кам таъминланган, ногирон, байналминичли жангчилар, қўп болали оила аъзолари моддий ва маънавий рағбатлантирилди. Фаолиятдаги кам таъминланган, ногирон ва нафақадagi соҳа ходимларига имтиёзли тиббий хизмат кўрсатилиб, бепул дори-дармонлар ажратилди.

Ез мавсуми давомида тармоқ ходимларининг 157 нафар болалари, шулардан 100 нафари кам таъминланган ва қўп болали оилаларнинг фарзандлари вилоятимизнинг соғломлаштириш оромгоҳларида бепул дам олдилар.

Бундан ташқари, тиббиёт ходимларини соғломлаштириш мақсадида беш йилдан буён алоҳида гуруҳ тўзилиб, ҳар йили унда кекса, дам олишга муҳтож ва ногирон ҳамкасбларимиз «Ботаника», «Бўстон» ва «Мохи хоса» сикатгоҳларида 10 кун давомида ўз соғлиқларини тиклаб қайтмоқдалар.

Биргина 2006 йил давомида тармоқ ходимларидан 215 нафари соғломлаштирилиб, улар учун ижтимоий сугурта маблағларидан 21 миллион 253 минг сўм сарфланди. Шунингдек, янги оила қурган ёшларга касаба уюшма маблағларидан 250 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди. 35 нафар ишловчи аёлларга эса, туғишга ва туғишдан кейинги ҳақ тўланадиган таътилар кўни узайтирилди. Қўп болали (4 нафар ва ундан ортиқ боласи бор) 119 нафар аёлга ойлик маошлари сақланган ҳолда иш ҳафтаси бир соатга қисқартирилди. Шу билан бир қаторда 28 та даволаш муассасаларидаги зарарли омиллар билан боғлиқ бўлган 345 та иш ўринлари меҳнат шaroитлари аттестациясидан ўтказилди ва бу мақсадлар учун иш берувчилар маблағлари ҳисобидан 9 миллион 400 минг сўм маблағ ажратилди.

Меҳнаткашларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида вилоят профилактика муассасаларида ишлаётган ногиронларга Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида белгиланган айрим тоифадаги ходимларга бериладиган қўшимча кафолатлар ва имтиёзлар» талабларига риоя этилиши касаба уюшмаларининг доимий назоратидадир.

Ёшлар қалбида эзгу туйғуларни уйғотиш, бағрикенглик, ўзаро меҳр-оқибатли бўлиш, ҳис-туйғуларни шакллантириш, уларни ҳар томонлама етук ва баркамол тарбиялаш борасида ҳам анча ишлар амалга оширилган. Вилоят вакиллигига қарашли аъзо ташкилотларда «Ёшларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялашда касаба уюшмаларининг роли» мавзусида анжуман ва қизи-

Ёш оналарга маслаҳат

Бу дунёда фарзанддан ширин, унинг овозидан жаранглироқ нарса йўқ. Боланинг биргина табассуми ҳар қандай қалбда меҳр уйғотади. Унинг дунёга келиши ҳам ота-она учун олам-олам қувонч бағишлайди. Аммо бола тарбияси ва парвариши ўта ҳушёрлик ҳамда масъулиятни талаб этади.

Кейинги пайтда кўпгина аёллар, айниқса ёш оналар чақалоқларни парвариш қилишда қийналадилар. Келажақда болалар соғлом ва бақувват бўлишлари учун уларни чақалоқлигидан тўғри пар-

турса, бола соғлом бўлиб, унинг оғирлиги ҳар ойда 200 граммдан ортиб боради.

Она сутини кўпайтириши учун ҳар хил овқатлардан тановул қилиб, кераклигича дам олиши, сут маҳсулотларидан кўпроқ

риб бўлгач шу жойларига болалар упаси суртиш зарур. Бундан ташқари, боланинг боши кўп терласа, орқа томондаги сочлари тўкила бошласа, бу рахитнинг биринчи белгилари ҳисобланади. Шунинг учун бола икки ойлик бўлгандан бошлаб, бир томчида витамин Д бир ёшгача бериб борилади. Витамин Д бериб борилмаса боланинг боши узунчоқ, қорни катта, ўзининг ёшига нисбатан озғин бўлади ҳамда

АГАР СОҒЛОМ БОЛА КЎРАЙ ДЕСАНГИЗ

Фарзанд соғлиги ҳар бир ота-она учун муҳим аҳамият касб этади. Ахир вужудининг бир бўлаги бўлган боласи учун она жонидан ҳам кечишга тайёр. Боланинг бирор жойи оғриб, безовта бўлса, онаизор қуну тун мижага қокмай, фарзандига термулиб бедор чиқади...

Фарзандининг соғ, дуркун ва бақувват бўлиб ўсиши учун аввало, ота-онанинг ўзи соғлом бўлмоғи лозим. Афсуски, сўнгги вақтларда ақлан заиф, қулоғи қар ва шунга ўхшаш туғма иллатли болаларнинг туғилиши кўп қузатилмоқда. Болаларнинг бундай касалликлар билан туғилишига баъзан ота-онанинг ўзлари ва турли хил омиллар сабаб бўлади. Агар ота-оналар қуйидаги қоидаларга риоя қилсалар болаларнинг нуқсонлар билан туғилиш хавфи кескин камаяди.

Жумладан, ота-она бир-бирига яқин қариндош бўлса, бунда болалар ақли заиф ёки ногирон, яъни даун касаллиги, маймоқлик, лаб тиртиқлиги, болалар параличи, қўл ва оёқ бармоқларининг қўшилиб кетиши, қўл ёки оёқларда қўшимча бармоқлар билан туғилиш ҳолатлари кўпроқ учрайди. Қўшимча қўл ёки оёқ бармоқлари бола уч ёш бўлгандан сўнг хирургия йўли билан кесиб олиб ташланади. Шунингдек, 35 ёшдан сўнг фарзанд кўриш, ногирон бола туғилиши хавфини ортиради. Бундай пайтда туғилган чақалоқлар туғма қар, соқов ва ғайиллик каби нуқсонлар билан дунёга келиши мумкин.

Ҳомиладорлик даврида чекиш, ичиш, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш ҳам ниможон, ақли заиф болалар туғилишига сабаб бўлади. Айниқса, гиёҳванд моддалар таъсирида мия қутиси ёки мияси ривожланмаган болалар дунёга келиши табиийдир.

Ҳомиладор аёл йод моддасига бой озиқ-овқат маҳсулотларидан истеъмол қилиб турмаса, кретинизм (руҳий хасталик) билан касалланган бола кўриши мумкин. Бу касаллиқнинг белгилари қуйидагича: ўзи жуда заиф, кам йиғлайди, кўп ухлайди, териси ва кўзлари сариқ рангда бўлади. Бундан ташқари, аёл ҳомиладорлик даврида тўйимли овқатлардан кам истеъмол қилса ҳам ақли заиф, яхши ривожланмаган бола туғилади.

Ҳомиладорлик даврининг биринчи уч ойлигида грипп, тепки, қизамик касалликлари билан оғриган ва турли хилдаги антибиотик дори воситаларини қабул қилган оналардан ҳам ақли заиф, қўзи қўр, қулоғи қар бола туғилиши мумкин. Бундан ташқари, ҳомиладорлиқнинг биринчи уч ойлигида антибиотик ва оғрик қолдирувчи дорилар қабул қилинганда болага ёмон таъсир қилади. Чунки, антибиотик дори воситалари бола миясининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Оғрик қолдирувчи дорилар эса, юрак пороги келиб чиқишига сабаб бўлади. Тетрациклин ва доксациклин дори воситаларини ҳомиладор ва эмизикли аёллар ичса, боласининг тишлари сарғайган ёки қорайган бўлиб чиқади.

Агарда она ОИТС хасталиги билан касалланган бўлса, бола ҳам унинг асорати билан касалланиб туғилиши, бармоқлари яхши ривожланмаган, ақли заиф ва шунга ўхшаш туғма нуқсонлар билан дунёга келиши кузатилади.

Аёлга фарзандини дунёга келтиришдан олдин туғруқни тезлаштирувчи дори воситалари қўлланилган бўлса, бола туғилган вақтида мияси шикастланиши мумкин. Бунда миянинг шиши олти ойгача сақланади. Касаллиқнинг асосий белгилари: бола кўп йиғлайди, кам ухлайди, бошини орқага ташлайди.

Аёлда резус фактор манфий, турмуш ўртоғида мусбат, она қорнидаги болада ҳам резус фактор мусбат бўлса қўпчан вақтдан олдин туғиш ёки бола туғиши кузатилади. Бундай аёлларда учинчи фарзанди ногирон туғилиш хавфи ортади. Шунинг учун уларга икки нафар фарзанд кўриш тавсия этилади. Ҳомиладорлик даврида кўп сиқилиш, ёмон ухлаш ҳам чақалоқнинг йиғлоқи туғилишига сабаб бўлади.

Соғлом фарзанд кўришни истоган ҳар бир ота турмуш ўртоғининг ҳомиладорлик даврида унга меҳрибон, эътиборли ва ширин сўз бўлиши лозим.

ЯНГИ ТУҒИЛГАН ЧАҚАЛОҚНИ ПАРВАРИШЛАШ

вариш қилиш зарур. Янги туғилган чақалоқ йўрғаги ва чойшабларини ҳўл ёки ифлос қилиб қўйса, ҳоҳида боланинг териси қизариб қолса, йўрғакларни яна ҳам тез-тез алмаштиринг! Чақалоқнинг киндик тизимчаси тушиб кетганидан сўнг, болани ҳар кун илқ сувда яхшилаб совунлаб чўмилтиринг.

